

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАЙЛАКОВА ДИЛДОРА ИБРАГИМОВНА

**БОЛАЛАР ТИШЛАРИНИНГ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИ НОКАРИОЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИ КЕЧИШИДА ПЕСТИЦИДЛАР ВА САНОАТ
ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Тайлакова Дилдора Ибрагимовна

Болалар тишларининг қаттиқ тўқимаси нокариоз касалликларини
кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларининг
таъсири ва уларнинг олдини олиш..... 3

Тайлакова Дилдора Ибрагимовна

Влияние пестицидов и промышленных выбросов на течение
некароизных поражений твердых тканей зубов
и их профилактика..... 25

Taylakova Dildora Ibragimovna

Influence of pesticides and industrial emissions in the course of
noncarious dental dentitions in children and their prevention..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.31.10.2019.Tib.93.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТАЙЛАКОВА ДИЛДОРА ИБРАГИМОВНА

**БОЛАЛАР ТИШЛАРИНИНГ ҚАТТИҚ ТЎҚИМАСИ НОКАРИОЗ
КАСАЛЛИКЛАРИНИ КЕЧИШИДА ПЕСТИЦИДЛАР ВА САНОАТ
ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2018.4.PhD/Tib287 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Камилов Хайдар Пазирович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Копецкий Игорь Сергеевич

тиббиёт фанлари доктори, профессор

(Россия Федерацияси)

Муртазаев Саидмуродхон Саидиалоевич

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Санкт-Петербург Давлат университети

(Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.31.10.2019.Tib.93.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___»_____куни соат___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50; тел: (+99865) 223-17-53; e-mail: buhmi@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шох кўчаси, 1-уй. Тел./Факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2019 йил «___»_____куни тарқатилди.

(2019 йил «___» _____даги ___ рақамли реестр баённомаси)

А.Ш. Иноятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Н.У. Нарзуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.А. Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тишнинг қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазияси касаллиги болалар орасида тарқалишида биосфера объектларининг саноат чиқиндилари ва пестицидлар билан ифлосланиш даражасига боғлиқ бўлиб, «...Швецияда 18%, Австралияда 70%, Словенияда 14%, Грецияда 12,2%, Ироқда 21,5%, Испанияда 17,85%, Буюк Британияда 15,9%, Россияда 53%, Германияда 6%, АҚШда 18,8% ва Данияда 10%ни ташкил қилди...»¹. Ҳозирги вақтда «...минтақавий ресурсларнинг иқтисодий тақсимланиши, технологик жараёнларнинг турли-туманлиги ва ўзига хослиги ҳамда атроф-муҳит ва ишловчилар саломатлигига таъсир этувчи объектлар бўлган ишлаб чиқариш корхоналарини санитар ҳимоя минтақаларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш минтақаларини ташкил этишга қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш ва гигиеник асослаш зарур...»². Аҳоли саломатлиги билан ўзаро боғлиқ ҳолдаги табиий муҳит сифатини оператив бошқариш учун, аниқ минтақадаги юзага келган нохуш экологик вазият тўғрисида ишончли маълумотларни йиғиш ва моҳирона интерпритация қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, «...пестицидларнинг организмга кўрсатадиган салбий таъсири, мураккаб қонуниятларини аниқлаш, дезактивация воситалари ва усуллари, шунингдек, пестицидлар билан заҳарланишнинг эрта белгиларини ташхислаш, метаболик жараёнларни коррекциялашнинг патогенетик усули ҳисобланади...»³.

Жаҳонда болалар тишларининг қаттиқ тўқимаси нокариоз касалликларни кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларнинг таъсири ва уларнинг зарарли таъсирини олдини олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Атроф-муҳит объектларнинг пестицидлар ва саноатнинг зарарли чиқиндилар билан ифлосланишини гигиеник тавсифини аниқлаш, атроф-муҳит объектлари ифлосланиш даражасини динамикада баҳолаш, болалар организмига пестицидлар таъсирининг миқдорий даражаси ва хавфсизлигини таъминлашни асослашдан иборат. Кимёвий моддалар билан турли даражада ифлосланишга эга ҳудудларда истиқомат қилаётган болаларда тиш эмал тўқимасининг гипоплазияси билан касалланиш даражасини тахлиллаш ва атроф-муҳитнинг кимёвий ифлосланиши стоматологик касалликлар ривожланишида корреляцион боғланишни, клиник-функционал кўрсаткичларини ҳамда тажриба шароитида пестицидлар ва саноат чиқиндиларни зарарли таъсирини тажриба ҳайвонларининг янги авлоди ва хомила тишларнинг шаклланишига таъсирини асослашдан иборат. Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазиясига ва касалланишига таъсир

¹Mahoney E.K. Further examination of the prevalence of MHN in the Wellington region. -2011. Vol 107, №3. -P. 79-84.

²Онищенко Г.Г.Влияние состояния окружающей среды на здоровье населения. Нерешенные проблемы и задачи: научное издание // Гигиена и санитария. - М., 2003.№ 1 - С. 3-10.

³Ракитский В.Н. Научные достижения отечественной гигиены и токсикологии пестицидов // Здравоохранение Российской Федерации. - М.,2008. №1. - С. 14-15.

асоратларни камайтиришга қаратилган стоматологик даволаш-профилактик ва умумий соғломлаштирувчи илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, болалар орасида пестицидлардан заҳарланишлар натижасида юзага келадиган турли стоматологик касалликларни камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли фармонида «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»⁴ каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларнинг бажарилиши болалар орасида пестицидлардан заҳарланишлар натижасида юзага келадиган стоматологик касалликларни камайтириш, ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш орқали, стоматологик касалликларнинг тарқалишини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда атроф-муҳитни муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган амалдаги санитар қоидаларни бузилиши ҳисобига пестицидларнинг қолдиқ миқдори билан нафақат ишчи соҳани, инсонни ўраб турган атроф-муҳит объектлари-атмосфера ҳавоси, тупроқ, сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари (Алешня В.В., 2016, Гвозденко Т.А., 2018, Гречина М.С., 2018) ифлосланиши юзага келиши, бу ўсимликларни кимёвий

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

ҳимоя қилиш воситалари кенг қўлланиладиган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг саломатлик ҳолатини издан чиқиши билан кузатилади (Вековшина С.А., 2018).

Хорижий олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқотларда болалар ва ўсмирлар орасида турли юқумли ва соматик касалликларнинг ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари қайд этилган, бунда болалар орасида турли даражадаги шилиқ қават тўқималарининг касалликлари ва тишнинг қаттиқ ва юмшоқ тўқималарининг касалликларнинг даражасининг ошиши қайт қилинган. Ишлаб чиқариш муҳитидаги нохуш омиллар ишчилар, болалар ва ўсмирлар оғиз бўшлиғи органларига кўрсатадиган таъсирига оид масалаларга кўп сондаги ҳам маҳаллий, ҳам хорижий тадқиқотлар бағишлангандир (Мячина О.В., 2017, Сабирова З.Ф., 2017), улар оғиз бўшлиғининг касбий шикастланишлари патогенезининг баъзи томонларини очиб бердилар ва мос бўлган даволаш-профилактик чора тадбирларни ишлаб чиқдилар. Европа адабиёт манбаларида тизимли гипоплазиянинг бир қатор синонимлари учрайди. Уларга: қозиқ-кесувчи гипоминерализация, эмалнинг нофлюороз гипоплазияси, пишлоқли қозиқлар, биринчи доимий қозиқлар гипоминерализацияси, эмалнинг идеопатик гипоминерализацияси киради. (Денисова Е.Г., 2012, Balmer R., 2012, Garot E., 2017). Қозиқ-кесувчи гипоминерализация термини биринчи марта Weerheijm (2001) томонидан таклиф этилган ва туғилгандан то бир ойликкача бўлган даврдаги тишлар қаттиқ тўқимасини хронологик бузилиши кўринишидаги биринчи доимий қозиқ ва кесувчи тишлар эмалини ривожланишидаги нуқсонларни билдиради (Ожгихина Н.В., 2010, Gotler M., 2010). 2003 йилда ўтказилган болалар стоматологиясининг олтинчи Европа съездида эмал гипоминерализацияси ривожланишининг этиологик сабаблари бешта гуруҳга бўлинган (Ожгихина., 2012, Vauche J.P., 2013): атроф муҳит ифлослантирувчиларининг таъсири; туғруқ олди, туғруқ даври ва туғруқдан кейинги муаммолар таъсири; фторид-ионларининг ичимлик сувидаги ва озик-овқат маҳсулотларидаги миқдори; болалар касалликларининг таъсири; бола организмига дори воситаларининг таъсири.

Республикамизда болалар орасида стоматологик хизматни тизимли ташкиллаштиришга, мактабгача таълим ёшидаги болалалар орасида тиш кариеси касаллигини ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қартилган илмий ишлар бажарилган (Даминова Ш.Б., 2017). Кейинги 20 йил ичида турли ноқулай экологик ҳудудларда атроф-муҳит омилларининг болаларнинг тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигига таъсирини ўрганиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмаган. Болаларда тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигини кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларнинг таъсири ва тизимли гипоплазия касаллиги оқибатида келиб чиқадиган иккиламчи асоратларни олдини олишга қаратилган даволовчи чора-тадбирлар ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари

режасига мувофиқ 02.2019 PhD 023-сон «Стоматологик ва жарроҳлик муолажаларининг ноинвазив услубларини жорий этиш» мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишлари режаси (2017-2021 йй) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажриба ҳайвонлари тишларининг анте- ва постнатал ривожланишига пестицид ва саноат чиқиндиларининг таъсири ва болаларда тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазияси хасталигини олдини олишга қаратилган комплекс стоматологик даволаш-профилактик чора-тадбирларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

атроф-муҳит объектларининг турли хусусиятли ва даражали кимёвий моддалар билан ифлосланган минтақасида истиқомат қилувчи 7-15 ёшли болаларда тиш эмали тизимли гипоплазия хасталигининг тарқалишини баҳолаш;

замонавий клиник-функционал тадқиқотлар орқали тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигини атроф-муҳитнинг кимёвий ифлосланиши билан боғлиқлигини асослаш;

тажриба шароитида каламушлар тишларининг анте- ва постнатал ривожланишига пестицидлар ва саноат чиқиндиларининг таъсирини баҳолаш;

клиник, функционал ва экспериментал тадқиқотларидан келиб чиққан ҳолда болаларда тишларнинг тизимли гипоплазия касалланиши асоратларини камайтиришга қаратилган стоматологик даволаш профилактик чора-тадбирлар комплексини амалиётга жорий этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2017-2019 йилларда Бухоро вилояти 2-сон болалар стоматология поликлиникаси, Гиждувон туманидаги 21-сон ўрта мактаби, Қоровулбозор тиббиёт бирлашмаларида кўриқдан ўтказилган 296 нафар болалардан, тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллиги ташҳиси қўйилган 144 нафар 7-15 ёшли болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида экспериментал тадқиқот учун каламуш ҳомила бош чаноғини жағ қисмида ривожланаётган тиш муртакчаларидан бўлакчалар ва клиник тадқиқот учун тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллиги билан касалланган болалар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини амалга оширишда анкета-сўровнома, тиш эмалини кислотага берилувчанлигини баҳолаш, оғиз бўшлиғи гигиеник индексини, пулпанинг электр ўтказувчанлигини аниқлаш, экспериментал ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигининг тарқалиш даражаси атроф-муҳитнинг пестицид ва саноатнинг зарарли кимёвий чиқиндилари билан ифлосланиш даражасига боғлиқлиги исботланган;

илк бор таржиба ҳайвонларида анте- ва постнатал даврларида пестицидлар ва саноат чиқиндиларининг таъсири натижасида тиш эмали хужайравий органини атрофияга учраши ва ривожланишдан орқада қолиши исботланган;

тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллиги оқибатида юзага келадиган иккиламчи асоратларни олдини олишга қаратилган клиник ҳамда фундаментал тадқиқот натижалари (тиш эмалининг кислотага берилувчанлиги, оғиз бўшлиғи гигиеник индекси ва пулпанинг электр ўтказувчанлигининг пасайиши) аниқланган;

илк бор тиш қаттиқ тўқима гипоплазияси моделида пестицидлар ва саноат зарарли кимёвий чиқиндиларининг тиш эмали хужайра органига ривожланиш даврида салбий таъсири асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болаларда тиш қаттиқ тўқимасининг тизимли гипоплазия касаллиги асоратларини олдини олишнинг иккиламчи профилактикасини яхшилаш самарадорлигини таъминлашга қаратилган амалий ёндошув тартиби ишлаб чиқилган;

болалик давридан саломатлик ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган хавф омилларини бошқаришда тезкор қарор қабул қилиш имконини берувчи ҳар бир омил объектив сон ва сифат жиҳатидан тавсифланган;

болалар тиш эмали ўзгаришларни ўз вақтида эрта баҳолашга қаратилган анкета сўровнома тизими яратилган;

мактабларда чуқурлаштирилган тиббий кўрикларда стоматолог тиббий кўрикларнинг самарадорлиги ва маъсулияти оширилган;

атроф-муҳит омиллари билан боғлиқ бўлган болалар тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигини ташхислаш ва иккиламчи асоратларининг келиб чиқишини олдини олиш тизими ишлаб чиқилган;

илк бор Бухоро вилоятининг ноқулай экологик туманларида истиқомат қилувчи болаларда тишлар тизимли гипоплазия касаллиги асоратларини олдини олишга қаратилган янги даволаш-профилактик чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, назорат остига олинган болалар сонининг етарлилиги, тажриба ҳайвонларининг етарли даражада олинганлиги ва болалар тишлари қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касалликларининг кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларининг таъсирини баҳолашда юқори даражадаги клиник-функционал, экспериментал ва статистик тадқиқот усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижалари халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлигига асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши ҳам олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳомиладор ҳайвонлар организми орқали воситали ҳолда пестицидлар ва зарарли саноат чиқиндиларининг эмбриогенезда тишлар ривожланишига салбий таъсирини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, пестицидлар ва саноат чиқиндилари билан зарарланган ҳудудларда яшовчи болалар орасида тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касалликларини ташхислаш, самарали даволаш, касалликнинг иккиламчи асоратларини олдини олишни амалга ошириш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касалликларини кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларнинг таъсири, касалликни даволаш ва иккиламчи асоратларининг олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш илмий натижаларни асослаш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

«Болаларда тизимли тиш гипоплазиясини олдини олиш ва даволаш» мавзусидаги услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июлдаги №8н-р/306-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома атроф-муҳитнинг турли саноат чиқиндилари ва пестицидлар билан ифлосланган ҳудудда яшовчи болаларнинг тиш қаттиқ тўқимаси гипоплазия касаллиги асоратларининг олдини олиш имконини берган;

«Мактаб ёшидаги болаларда тизимли гипоплазия» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 17 июлдаги №8н-р/305-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома мактаб ёшидаги болаларда анамнестик маълумотлари таҳлил қилиниб, тизимли тиш гипоплазия касаллигининг тарқалиши ўрганилиб ва шу асосида ушбу касалликнинг барча шаклларини даволаш самарадорлигини таъминлаш имконини берган;

болалар тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касалликларининг кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларининг таъсири ва касалликни келиб чиқиш асоратларини олдини олиш чора-тадбирларини асослаш бўйича олинган илмий натижалар Бухоро тумани тиббиёт бирлашмасининг марказий клиникаси, Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси, Ғиждувон тумани стоматологик поликлиникаси ва Когон тумани тиббиёт бирлашмаси клиник амалий фаолиятига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 22 июлдаги №8н-д/174-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши, болалар тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касалликларининг кечишида пестицидлар ва саноат чиқиндиларнинг таъсирини баҳолаш, шунингдек, болалар орасида тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигини ташхислаш, даволаш ва касалликнинг асоратларини келиб чиқишини олдини олиш самарадорлигини баҳолаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та

мақола, жумладан, 4 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларни илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалар тишлари қаттиқ тўқимасининг нокариоз касалликларини ривожланишида пестицидлар ва саноат чиқиндилари таъсирининг замонавий муаммолари»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётлар асосида болалар тишлари қаттиқ тўқимасининг нокариоз касалликларини ривожланишида саноат чиқиндилари ва пестицидлар муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Тишларнинг нокариоз касалликларининг этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми бўйича манбалар келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзаллик ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг **«Болалар тишлари қаттиқ тўқимасининг нокариоз касалликларини ривожланишида пестицидлар ва саноат чиқиндилари таъсирини баҳолаш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотда қўлланилган, аналитик, экспериментал, клиник-функционал ва статистик тадқиқот усуллари ўз ичига олган клиник материал келтирилган. Тадқиқот объекти бўлиб, 2017-2019 йилларда Бухоро вилояти 2-сон болалар стоматологик поликлиникаси, Ёиждувон туманидаги 21 - сон ўрта мактаби, Қоровулбозор тиббиёт бирлашмаларига мурожаат қилган 296 нафар болалардан тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия ташхис қўйилган 144 нафар 7-15 ёшли болалар бўлди.

Кузатишлар олиб бориш учун Бухоро вилоятининг учта тумани (Қоровулбозор, Ёиждувон ва Бухоро туманлари) танлаб олинди, улар ўзининг табиий-иқлимий ва ижтимоий-машиий шароитлари билан нисбатан осон баҳоланади, аммо атроф-муҳитни ифлосланиш даражаси ва тавсифи бўйича фарқ қилади, бу болалар саломатлигига атроф-муҳит таъсирини ўрганишда қабул қилинган услубий ёндошувларга мос келади.

Пахтачилик ва саноат чиқиндиларга ихтисослашган Қоровулбозор тумани (тажриба) пестицидлар, минерал ўғитлар ва Бухоро нефтни қайта

ишлаш заводи (БНҚИЗ)нинг зарарли чиқиндилари, айниқса ароматик углеводородлар билан комбинациялашган ҳолатда атроф-муҳит объектларини ифлосланиши билан тавсифланади.

Болалар оғиз бўшлиғини текшириш шифокор-стоматологлар бригадаси томонидан (бизнинг раҳбарлигимиз остида ва бевосита иштирокимизда) мос бўлган услубий тавсиялар асосидаги қабул қилинган индекслар ва мезонларга мос ҳолда ўтказилди. Текширишлар тадқиқ қилинаётган туманлардаги болалар ўртасида талаб этиладиган даволаш ва тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллиги билан касалланишлар тўғрисидаги муҳим маълумотларни йиғиш учун мўлжалланган бўлиб, бу атроф муҳит омиллари билан боғлиқ ҳолдаболалар тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касаллигини мониторинг тенденцияси ва мос бўлган даволаш-профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Ўрганиб чиқиладиган масалаларнинг услубий нуқтаи назардан энг маълумотлилиги бўлиб, ташхислаш усуллари ҳисобланади, улар саломатлик ҳолатидаги эрта (клиникагача) бўлган силжишларни аниқлаш ва баҳолаш имконини беради. Буларга текшириш сўров анкетаси деб номланувчи ялпи унифицирланган кўриклар киради.

Таббий тадқиқот маълумотларини тасдиқлаш мақсадида тажриба ҳайвонлари анте- ва постнатал ривожланиш даврида ҳомиладор урғочи каламушлардан туғилган каламуш болаларининг тишлар ҳолати ва уни шаклланишига Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи чиқиндилари (SO_2 , NO_2) ва пестицидлар (гексахлоран, фозалон) таъсирини ўрганиш бўйича тажриба тадқиқотлари ўтказилди.

Тажрибалар жинсий етилган, тана оғирлиги 170-190 грамм ни ташкил этган, меъёрадаги экстракт циклга эга бўлган, махсус танлаб олинган оқ каламушларда кўйилди. Бу кўрсаткичларни аниқлаш таъсир кўрсатилмасдан 2 ҳафта олдин аниқланди.

Тажриба ҳайвонлари организмига захарли моддалар таъсирини усули ва тавсифига боғлиқ ҳолда урғочи каламушлар уч гуруҳга бўлинди:

биринчи гуруҳи назорат гуруҳи бўлиб, ушбу гуруҳдаги ҳайвонларга захарли моддалар таъсир эттирилмаган;

иккинчи гуруҳ-ҳомиладорликнинг барча даврида гексахлоран+фозалон билан меъда ичи захарланишига амалга оширилган;

учинчи гуруҳ-бир вақтнинг ўзида гексахлоран-фозалон+азот икки оксиди ва олтингугурт бирикмаси билан захарланган ҳайвонлар гуруҳидан иборат.

Захарли моддалар билан захарланиш миқдори ва концентрацияси тадқиқ қилинаётган туманлардаги одамлар организмига тушувчи амалдаги миқдорга яқин бўлган. Урғочи каламушларни захарлаш ҳомиладорлик бошланишининг биринчи кунидан бошланди, буни қин суртмасида сперматозоидларни аниқланиши билан белгиланган. Ҳайвонларнинг ҳар бир гуруҳи 20 нафар ҳомиладор каламушлардан ташкил топди. Ҳар бир гуруҳда урғочи каламушларнинг ярми ҳомиладорликнинг 20-кунида нобуд қилинди: гистологик ва ультратузилмавий ҳолатни ўрганиш учун ҳомила бош

чаноғини жағ қисмидан ривожланаётган тиш муртакчаларини ўрганиш учун бўлакчалар олинди (5-6 урғочи каламушлардан 5-6 ҳомила) ва улар 10%ли нейтрал формальдегидда ва глютаральдегиднинг 2,5%ли эритмасига (рН 7,4) солинди.

Тажриба материаллари пестицидлар, минерал ўғитлар ва ишлаб чиқариш заҳарлари билан атроф муҳит объектлари ифлосланган туманларда истиқомат қилувчи болалардаги тиш қаттиқ тўқимаси тизимли гипоплазия касалликларини ривожланиш патогенезини аниқлаш учун қўлланилди, бунда ушбу маълумотларни, анкета-сўровнома маълумотлари ва клиник-функционал тадқиқотлар маълумотлари билан солиштириш орқали амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows» 7,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетини қўллаган ҳолда, шунингдек «EXCEL-2007» компьютер дастури ёрдамида шахсий компьютерда амалга оширилди. Таҳлил қилинадиган белгиларни тақсимланиш кўрсаткичлари ўртача квадратик оғишма \pm нинг ўртача белгиси кўринишида ($M \pm m$), n-танлаб олиш ҳажми (гуруҳлар сони) кўрсатилди. Тадқиқот натижаларининг статистик аҳамияти тақсимланиш типини ҳисобга олиш билан баҳоланди. Ўртача катталикларнинг биттадан ортиқ жуфтини солиштириш учун кўп сонли қиёслаш усули (Ньюмен-Кейлс мезони); кўп сонли қиёслаш учун эса-Стьюдент мезони қўлланилди. Корреляциянинг статистик аҳамияти ҳисобланди. Гуруҳлар ўртасидаги қиёсий белгилар фарқини $p < 0,05$ статистик аҳамиятли деб тан олинди. Юқорида баён этилган мезонлар белгиларига асосланган ҳолда ҳақиқатнинг нол гипотезасида (P) эҳтимоллик баҳоланди.

Диссертациянинг «**Атроф-муҳит ҳолатининг эпидемиологик тавсифи**» деб номланган учинчи бобда назорат остига олинган уч туманнинг мавжуд бўлган ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини доимий ўсиб бориши ва касалланиш материаллари келтирилган. Асосий назорат объекти бўлиб Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидир. Мазкур заводни замонавий даволаш қурилмалари билан етарли даражада таъминланганлигига қарамасдан, унинг ишлаб чиқариш чиқиндилари, унга яқин жойлашган селитеб минтақа атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи аланга, технологик қурилмалар, вентиляция аппаратлар, тутун чиқувчи трубалар, сақловчи каналлар ва х.к.лар ҳисобланади. Заводдан 3-30 км масофада узоклашган ҳудуддаги атмосфера ҳавосида кўрсатилган бирикмаларни миқдорий сақланиши устидан Бухоро вилояти давлат санитария эпидемиология назорати маркази томонидан 9 йиллик (2009-2018 йй) кузатишлар бўйича мавжуд бўлган маълумотлар таҳлили берилган.

Қиёсий баҳолаш учун нефтни қайта ишлаш корхонасидан 3, 10, 15, 20 ва 30 км масофага узоклашган ҳудудлар атмосфера ҳавосида мавжуд бўлган 9 йиллик кузатиш даври учун асосий ифлослантирувчиларни ўртача концентрацияси ҳисоблаб чиқилган (1-жадвал)

**Нефтни қайта ишлаш корхоналаридан турли масофада бўлган
атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражаси
(2009-2018 йил маълумотлар, мг/м³)**

Кўрсаткичлар	Нефтни қайта ишлаш корхонасигача масофаси, км				
	3	10	15	20	30
Азот диоксид	0,19±0,03	0,11±0,02	0,08±0,02	0,06±0,012	0,05±0,008
Аммиак	0,12±0,02	0,09±0,013	0,06±0,01	0,05±0,008	0,03±0,005
Ацетон	0,5±0,09	0,28±0,04	0,22±0,04	0,17±0,02	0,04±0,005
Сероводород	0,038±0,006	0,008±0,001	0,005±0,001	0,004±0,0008	0,002±0,0004
Олтингугурт диоксиди	0,36±0,05	0,18±0,03	0,10±0,006	0,12±0,005	0,06±0,003
Углеводородлар	11,3±2,4	7,4±1,8	6,8±1,1	6,1±1,0	4,1±0,6
Углерод монооксиди	13,0±2,2	9,9±1,8	7,9±1,3	6,4±1,2	2,6±0,4
Фенол	0,02±0,003	0,013±0,002	0,009±0,001	0,12±0,02	0,004±0,0007
Формальдегид	0,02±0,004	0,013±0,002	0,010±0,002	0,008±0,001	0,006±0,001
комплекс ифлослантувчи (Р)	21,4	11,8	8,2	8,5	4,3
Ифлосланиш даражаси	Кучли	Сезиларсиз	Сезиларсиз	сезиларсиз	Кучсиз

Атмосфера ҳавоси таркибида олтингугурт ва азот икки оксид, углеводородлар, фенол, формальдегид миқдорини йўл қўйиладиган гигиеник регламентдан юқор концентрацияларда бўлиши (20 км гача масофада), олтингугурт (10 км гача), ва ацетон (3 км гача) аниқланди.

Ҳисоблаш натижалари кўрсатадики, вақт динамикасида Р кўрсаткичини максимал пасайиши ишлаб чиқариш комплексидан 3 км масофада узоқлаштирилган (2,2 мартага камайган) ҳудудларда қайд этилади. Р кўрсаткичини кам интенсивликда пасайиши, 10 км (1,4 марта камайган), 15 км (1,2 мартага камайган), 20 км (1,1 мартага камайган) ҳолатда узоқлаштирилган минтақаларда кузатилди. Кўрсаткичлар комплекси катталиклари бўйича баҳоланувчи атмосфера ҳавосини ифлосланишини юқори даражаси 3 км га узоқлаштирилган минтақаларда қайд этилди.

Атроф муҳит объектлари ва озиқ-овқат маҳсулотларини нитратлар билан жадал суръатда ифлосланиши уларни эмизикли оналар сутида ва сигир сутида тўпланиши билан бирга кузатилади. Демак, Қоровулбозор туманидаги сигир сутида нитратлар концентрацияси 223,0±8,7 мг/л, Ёйдувон туманида 142,7±6,8 мг/л ва Бухоро туманинг Маданият қишлоғида 79,4±5,6 мг/л, кўкрак сутида-62,5±5,5; 28,0±4,9 ва 17,8±7,3 мг/л ни мос ҳолда ташкил этди.

Олиб борилган тадқиқотлар кўрсатдики, 42% болалар (n=144) туғруқ вақтида турли бузилишларга эга бўлдилар патологик туғруқлар орасида биринчи ўринда уларнинг стимуляцияси бўлди, бу 2/3 ҳолатда қайд этилди.

Шундай қилиб, гипоплазия кўринишидаги эмал нуксонларининг ривожланиши полиэтиологик табиатга ва тишларнинг ривожланиш ва шаклланиш даврида таъсир этувчи омилларга эга бўлади. Ҳозирги кунда тиш каттиқ тўқимаси

тизимли гипоплазия касаллиги билан оғриган болалар сони камайиш тенденциясига эга эмас, бу эса ушбу муаммонинг долзарблигини тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Экспериментал тадқиқот натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида ҳомиладор каламуш организми орқали воситали ҳолда ҳомила ривожланишининг эрта эмбрионал босқичида энг юқори нохуш таъсир этувчи бўлиб, гексохлоран, олтингугурт икки оксиди ва азотнинг биргаликдаги таъсири ҳисобланади (3 гуруҳ).

Тажриба остидаги ҳайвонларни постнатал ривожланиши устидан олиб борилган кузатишларда, гексхлоран ва фозалон билан захарланган ҳомиладор каламушлардан туғилган болаларнинг иккинчи гуруҳида биринчи ой давомида, назорат гуруҳи ҳайвонларига нисбатан солиштирилганда тана узунлигини ривожланишида баъзи ортда қолишлар қайд этилди; фақат 60-кунга келиб, улар тўлиша бошлади. Бироқ каламуш болаларининг танаси тук билан ёмон қопланган бўлиб, уларда назорат гуруҳидаги ҳайвонларга нисбатан қулоқ чиғаноғини ажралиши 1-2 кунга, кўзларни очилиши 2-3 кунга ва тишларни ёриб чиқиши 2-3 кунга ортда қолиши кузатилди.

Постнатал даврда юқори даражада намоён бўладиган ўзгаришлар азот ва гексахлоран+фозалан+олтингугурт икки оксиди билан захарланган ҳомиладор каламушлардан туғилган 3-гуруҳ каламуш болаларида кузатилди. (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳомиладорлик вақтида захарли моддаларнинг биргаликдаги таъсирига учратилган ҳомиладор каламушларнинг эмбрионал материаллар тавсифи (M±m)


Кўрсаткичлари	Тажриба ҳайвонлари гуруҳи		
	назорат, n=10	гексохлоран + фозалон, n=10	гексохлоран + фозалон + олтингугурт икки оксиди ва азот, n=10
Тирик туғилган эмбрионлар сони	11,4±1,3	10,7±1,1	8,2±0,8*
умумий эмбрионал ўлим, %	15,2±1,8	17,8±2,1	21,3±2,5
эмбрионнинг тана вазни, г	2,96±0,32	2,63±0,27	2,01±0,19*
эмбрионнинг краниокаудал ўлчами, мм	29,8±0,4	28,6±0,3*	27,2±0,2***
Ривожланиш аномалиялари, %	0	0	3,9

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (* - P<0,05, ** - P<0,01, *** - P<0,001)


Демак, янги туғилган каламуш болаларининг тана оғирлиги ва узунлиги назорат гуруҳи кўрсаткичларидан кузатишларнинг бошида (1-7 кунлар) ҳам, кузатишларнинг охирида (60 кунда) ҳам аниқланди. Худди шу каби ҳолат каламуш болаларининг постнатал ривожланишини бошқа махсус кўрсаткичларига нисбатан ҳам аниқланиши маълум бўлди: уларда қулоқ чиғаноқлари 3-4 кунга кеч ажралди (назорат гуруҳида 10-кунда), кўзларни очилиши 4-5 кунга кеч аниқланди (назорат гуруҳида-15 кунда), терида

туқларнинг пайдо бўлиши 2-3 суткага кеч (назорат гуруҳида-5 кунда) ва фақат 13-15 кунга келиб тишларни ёриб чиқиши (назорат гуруҳида - 8-9 кунда) аниқланди. Бунда каламуш болаларининг асосий қисмида ёриб чиққан тишларнинг тиш усти қопламаси гипоплазияга учраган бўлиб, уларда кўп сонли сариқ доғларнинг пайдо бўлиши, оқиш - қоғоз рангидаги йўлакчалар, баъзида эса озик ва курак тишларини зич ва анамал жойлашиши аниқланди.

3 гуруҳ ҳайвонларининг 20 кунлик ҳомиласида тишлар шаклланишини гистологик ўрганиш кўрсатдики, уларда назорат гуруҳ ва иккинчи гуруҳ ҳайвонларининг тишлар тўқимаси гистогенези ҳамда тиш муртақларининг дифференцировка жараёнларини юқори даражадаги сезиларли секинлашиши аниқланади (1, 2-расмлар).




1-расм. Назорат гуруҳи урғочи ҳайвонларининг 20 – кунлик ҳомиласида эмал органининг ҳосил бўлиш жараёни. Г-Э билан бўяш. 20 намуна, 10 бўялиш.




2-расм. Гексахлоран ва фозаланнинг биргаликдаги таъсирида урғочи ҳайвонларининг 20 – кунлик ҳомиласида эмал органи шаклланишини бузилиши. Г-Э билан бўяш. 20 намуна, 10 бўялиш.

Демак, препаратларда ҳажм бўйича кам бўлган, хали тўлиқ шаклланмаган эмал органи қайд этилиб, унинг умумий кўриниши яққол намоён бўлган деформацияли, кирралари бир текис бўлмаган ҳолда кўринади (3, 4-расмлар).



3-расм. Гексахлоран ва фозаланнинг биргаликдаги таъсирида урғочи ҳайвонларининг 20-кунлик ҳомиласида эмал органи шаклланишини бузилиши. Эмаль органининг ассиметриклиги. Эмаль органи ва унинг сўрғичларини ҳужайра тузилмасининг ривожланмаслиги ва атрофияси. Г-Э билан бўяш. 20 намуна, 10 бўялиш.



4-расм. Гексахлоран ва фозалан, олтингугурт икки оксиди ва азотнинг биргаликдаги таъсирида урғочи ҳайвонларининг 20-кунлик ҳомиласида эмал органи ҳосил бўлиш жараёнини бузилиши. Эмаль органи ривожланишини ортда қолиши, унинг барча қаватларини ривожланишини бир текисда эмаслиги қаолтингугурт икки оксиди қайд этилади, натижа-хали тўлиқ шаклланмаган эмал қавати. Г-Э билан бўяш. 20 намуна, 10 бўялиш.

Энамелобластларнинг пайдо бўлган қавати ҳамма жойда бир хилда кузатилмайди, алоҳида препаратларда иш органи пульпасига қараган хужайраларнинг апикал кутбига энамелобластларнинг кўп сонли ядроси хали жойлашмаган бўлади-хужайраларнинг «кутблилиги» ни алмашилиш жараёнини ортда қолиши қайд этилади. Эмал асосининг тор, аниқ фарқ қилмайдиган органик қавати кузатилади.

Ҳомиладор каламушларни пестицидлар (гексахлоран, фозалон, олтингугурт икки оксиди, азот) билан турли комбинацияларда захарлаш, уларнинг ҳомиласини ҳам антенатал, ҳам постнатал даврларда шаклланиши ва ривожланишидаги жиддий бузилишларга олиб келди. Эмал ва дентин ҳосил бўлиш жараёнларини секинлашиши асосида хужайра ва субхужайра даражасида энамелобластлар ва одонтобластлардаги ультратузилмавий ўзгаришлари, шунингдек преэмал ва предентин органик асосларининг синтези учун жавобгар бўлган органеллаларнинг редукцияси ётади. Бунинг натижасида эса, ҳайвонларда тишларни кеч ёриб чиқиши ва тишларни нуқсонли ривожланиши кузатилади; ҳомиланинг тишлари шаклланиши ва ривожланишидаги, шунингдек уларнинг постнатал тараққий этишидаги патологик ўзгаришлар зарарли кимёвий моддаларнинг (гексахлоран, фрозан, олтингугурт икки оксиди, азот) биргаликдаги таъсирида, уларни алоҳида алоҳида таъсирига нисбатан кучлироқ бўлиши аниқланди.

Пахтачилик туманларида истиқомат қилувчи болалари тишларининг ривожланиши ва ҳолатига ҳамда тажриба остидаги ҳайвонларига пестицидларнинг яқка ҳолда, пестицидларни олтингугурт икки оксиди ва азот билан биргаликда кўрсатадиган захарли таъсир механизмларини маълум даражада очиқ беришга эришилди.

Пестицидлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари (олтингугурт икки оксиди, азот икки оксиди) мазкур моддалар билан ифлосланган атмосфера ҳавоси ва озик-овқат маҳсулотлари билан оғиз бўшлиғига тушиб, бу ердаги тиш-милк чўнтақларида, пастки жағнинг ўтувчи бурмаларида тўпланади, шу билан сўлақлар таркибида зарарли модданинг турғун концентрациясини сақлаб қолади, мулоқат натижада тишлар тўқимасига шикастловчи таъсир кўрсатади.

Тишлар ҳолати ва тишларни кеч ёриб чиқишини ривожланиш механизмлари шу билан тушунтириладики, ўрганилаётган ксенобиотиклар ҳомиладор каламушлар организмига тушиб, антенатал даврда йўлдош орқали ҳомиллага ва постнатал ривожланиш даврида лактация орқали каламуш боласининг тиш органларининг ҳосил бўлиши ва ривожланиш жараёнларига ўзининг билвосита салбий таъсирини кўрсатади. Буни назорат гуруҳи ҳайвонларида динамикада, яъни ҳомиланинг ривожланиши ва янги туғилган каламуш болаларининг анте- ва постнатал ривожланиш даври билан солиштирилганда атроф муҳитдаги зарарли кимёвий омилларни эмбриотоксик ва тератоген таъсирини ҳомила ва каламуш болаларининг организми ва тишларига кўрсатадиган таъсирини (каламуш болаларида хужайра-тўқима ва субхужайра даражасида тиш муртақларини шаклланиши ва ривожланишини зарарлаши, тишларнинг кеч ёриб чиқиши, тишлар

гипоплазияси, кўп сонли қоғозсимон йўлакчаларнинг пайдо бўлиши, курак ва озиқ тишларини зич ва нуқсонли жойлашуви) ўрганиш учун олиб борилган бизнинг тадқиқотларимиз тасдиқлайди.

Диссертациянинг «**Клиник-функционал тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси**» деб номланган бешинчи бобида анкета-сўровнома келтирилган бўлиб, унда тадқиқотда иштирок этаётган қишлоқ туманларидаги болаларнинг овқатланиш тартиби ва оғиз бўшлиғи парвариши бўйича гигиеник билимлар даражаси, ўтказилган касалликлар бир хил даражада эканлиги кўрсатилган ($p > 0,05$). Тажриба туманидаги болаларда ўтказилган бронхитлар, тонзиллитлар, ЎРКларнинг аниқланиш сони бундан мустаснодир. Аниқландики, Қоровулбозор туманида болалар назорат гуруҳи билан солиштирилганда тишлар рангини ўзгариши-тишлардаги оқ доғлар $46,8 \pm 4,98$ болаларда, сариқ доғлар $16,8 \pm 3,67$ болаларда ва жигарранг доғлар $26,4 \pm 4,39$ болаларда кузатилди. Ғиждувон туманида болалар назорат гуруҳи билан солиштирилганда тишлар рангини ўзгариши-тишлардаги оқ доғлар $35 \pm 4,91$ болаларда, сариқ доғлар $17,5 \pm 3,9$ болаларда ва жигарранг доғлар $15,6 \pm 3,71$ болаларда кузатилди. Бухоро тумани Маданият қишлоғидатишлар рангини ўзгариши-тишлардаги оқ доғлар $15,2 \pm 3,57$ болаларда, сариқ доғлар $9,1 \pm 2,86$ болаларда ва жигарранг доғлар $6,1 \pm 2,37$ болаларда кузатилди. Тишлар рангида ўзгаришларнинг мавжудлиги Қоровулбозор туманида тишларда тизимли гипоплазиясининг юқори сонидан гувоҳлик беради.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида текширилган хавф гуруҳи бўйича тақсимлаш ҳисобланади, бунинг учун биринчи навбатдаги чуқурлаштирилган тиббий текширишга, шифокорлик назорати ва даволашга муҳтож бўлган болалар гуруҳини аниқлаб олиш зарур бўлди.

Болаларни гуруҳлашда турли касалликларни эрта аниқлаш учун соҳага оид анкеталарни қўллаш услубий кўрсатмаси қўлланилди. Бунда бизлар томонимиздан ишлаб чиқилган саволлар учта белгини ажратиб олиш учун имкон бериши учун гуруҳларга ажратилди: оғирлаштирувчи омиллар (1-8 саволлар); касаллик белгиларининг эҳтимоллиги (11, 16, 17, 18 саволлар); касалликларнинг чин белгилари (9, 10, 12, 15, 19 саволлар). Юқорида баён этилган белгилар мавжуд бўлганда ёки бўлмаган ҳолатларга боғлиқ равишда болалар тўрт гуруҳга тақсимланди (3-жадвал): соғломлар-барча учта белгининг мавжуд бўлмаслиги; кичик хавф гуруҳи-касаллик белгилари эҳтимоллик синдромининг мавжудлиги, юқори хавф гуруҳи-касалликнинг эҳтимоллик синдромини оғирлаштирувчи омилбелгилари билан биргаликда мавжудлиги; беморлар-касалликнинг чин белгилари синдромининг мавжудлиги.

3 жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Қоровулбозор ва Ғиждувон туманлари болалари ўртасида хавф омиллари ва касалликларни юзага келиш ҳолатлари юқори. Демак, тажриба районида соғлом болалар гуруҳи назорат гуруҳига нисбатан 1,9 ва 3,2 марта кам бўлди. Худди шу каби ҳолат кичик хавф мавжуд бўлган болалар гуруҳига нисбатан ҳам кузатилди (мос ҳолда 2,2 ва 3,1 марта кам).

**Анкета ўтказиш маълумотларига мос ҳолда ҳавф гуруҳлари бўйича
қишлоқ районларида текширилган болаларни тақсимлаш**

Гуруҳ	Назорат туманлари		
	Қораулбозор, интенсив ифлосланган (тажриба)	Ғиждувон, Кам ифлосланган (шартли назорат)	Бухоро, ифлосланмаган (назорат)
Соғломлар	7,4±0,8***^^	14,4±1,2**	23,8±2,8
Кичик ҳавф гуруҳи	9,5±1,6***^^	20,6±1,4***	29,5±1,8
Юқори ҳавф гуруҳи	23,7±2,4***^^	16,4±1,4***	10,3±0,9
Беморлар	59,4±8,8*	48,6±2,9***	36,4±1,7

